

ёмон иш қилганида эса қора тош солиб қўяр экан. Кун охирида, куннинг қанчалар самарали ўтганини ҳисоблаш учун, халтачадаги тошларни сарҳисоб қилар экан.

Ўтган уламолар ўз амалларини ҳисоб қилишнинг турли усулларида фойдаланганлар. Замондош уламолар киши ўзининг кундалик амалларини замонавий ускуналар: телефон, планшет ёки оддий дафтардан фойдаланиш мумкин деб маслаҳат берадилар.

- Сиз ўз амалларини ўзингизга маъқул ҳар қандай усулда, ҳоҳ хотирангизда, ҳоҳ телефонингиз ёки ён дафтарингизда бўлсин қайд қилиб боринг.
- Вақти-вақти билан ёзилган қайдларни ўқиб, сарҳисоб қилиб туринг.

Бу ерда амалларни вақти-вақти билан сарҳисоб қилиб туриш жуда муҳим. Агар имкон топсангиз, ҳар куни назар солинг. Бунга имкон топа олмасангиз, ўз вазиятингиздан келиб чиқиб, кун аро, ҳафтада бир мартаба ва ҳк сарҳисоб қилинг.

Дерли бўш бўладиган вақтларингиз, навбат кутаётганда, метрода кетаётганда ҳам амалларингизга назар солиб қўйишингиз мумкин.

Амалларни сарҳисоб қилишда тавсия қилинган кетма-кетлик

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда амалларни сарҳисоб қилишнинг қуйидаги кетма-кетлиги тавсия қилинганини топишимиз мумкин:

#1: Таъқиқлар

Яхши натижаларга эришиш учун сиз олдинга бир қадам ташлашингиз керак. Асло орқага икки қадам ташламанг. Абу Ҳурайра Абдуррахмон ибн Саҳр разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

كَلِّهَ الْأَمَّنِ إِفٍ، مُتَعَطِّسًا أَمْ هَؤُنْمَ أَوْتِ أَفِ وَبِ مَكْتُرَمَ أَمْ وَ، وَوَبِنَ جَافٍ هَؤُنْمَ عَ مَكْتُتِي هَؤُنْمَ
مَؤِئِي بِنَ أَى لَعَمُؤُهُ فَالِ تَخِ أَوْ مَؤِئِي سَمَؤُهُ تَكُ مَكْتُلُ بَقِ نَمَ نِي دَلِ

Маъноси: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: "Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан йироқ бўлинглар. Нимага буюрган бўлсам, имкон қадар ўша нарсани бажаринглар. Сизлардан аввал ўтган қавмларни халок қилган нарса

бандамнинг нафли бормикан?» дейди. Бас, агар нафли бўлса, «Бандамнинг нафл (намоз)идан фарзини тугал қилинглар», дейди. Сўнгра закот ҳам шунга ўхшаш бўлади. Кейин ҳамма амаллар ана шунга ўхшатиб олинади», дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадисда, банда аввал фарз амалларидан сўралиши, агар унда бирор нуқсон бўлса, унинг ўрни нафл ибодатлар ҳисобига тўлдирилиши маълум бўлмоқда.

Маслаҳат: Амалларинингизни сарҳисоб қилишда фарз амалларни қай даражада бажарганингизга эътибор қаратинг. Барча фарзларни адо қилдингизми? Қаердадир нуқсонга йўл қўйдингизми? Унинг ўрнини тўлдирувчи нафл/қўшимча амалларингиз борми?

#3: Тил, Қўл, ва Оёқ

Бу уч аъзо орасида, тил қолганларини ортда қолдиради. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

مَنْ جَلَّ أَلْسَانَهُ لَمْ يَصْرُحْ بِأَمْرِ يَوْمِ الْحِسَابِ وَمَنْ جَلَّ يَدَيْهِ لَمْ يَصْرُحْ بِأَمْرِ يَوْمِ الْحِسَابِ وَمَنْ جَلَّ أَرْجُلَيْهِ لَمْ يَصْرُحْ بِأَمْرِ يَوْمِ الْحِسَابِ

Маъноси: «Ким менга икки оёғи орасидаги нарсани ва икки жағи орасидаги нарсани муҳофаза қилиб берса, мен унга жаннатни муҳофаза қилиб бераман», дедилар». Бухорий ва Термизий ривоят қилдилар.

Муҳасаба жараёнида ўзингиздан сўранг: Ёлғон гапирдимми? Хиёнат қилдимми? Ўғирладимми? Фиёбат қилаяпманми? Балким сиз тушган вазиятлар (бораётган жойингиз, бирга вақт сарфлаётган ҳамроҳларнингиз) тил орқали гуноҳ ишлар қилишингизга сабабчи бўлаётгандир?

Маслаҳат: “Тил тақвими” устида ишланг. Неча кун тилингиз орқали гуноҳ иш қилмаганингизни санаб юринг. Қачон тил орқали бирор гуноҳ иш қилсангиз, ўша кунни тақвимда лоҳида белгилаб қўйинг, ва яна бошидан санашни бошланг. Сиз агарда 30-40 кунлаб тилингиз орқали гуноҳ қилмай юра олсангиз, демак, сиз тилингизнинг жоловини тутиб олибсиз.

#4: Диққатнинг бўлиниши ҳоллари

Агарда сиз жуда банд бўлсангиз ёки кўнгилхушлик ишларига (музиқа тинглаш, телевизор, видео кўриш, кераксиз китоб ўқиш ва ҳоказо) кўп вақт сарфлаётган бўлсангиз, буни қайд қилиб боринг. Улар ўрнини зикрга бўшатиш керак.

Маслаҳат: Ҳар бир ҳолат учун махсус зикр мавжуд. Телефонингизга зикрга оид турли-туман иловаларни кўчириб олинг ва ҳар бир ҳолат учун махсус дуоларни ўз вақтида ўқиб юринг.

Хулоса ўрнида

Муҳосабанининг мана шу кўринишида эгаллаб олсангиз, кечинчалик уни доимий равишда кучайтириб бораверасиз. Ҳар кун нафсингизни янада яхшироқ ўринда топасиз.

Ilmfruits.com сайти маълумотлари асосида

Саид Комил тайёрлади